

ТАБИАТНИ АСРАШ - ЖАМИЯТНИ АСРАШ ДЕМАКДИР!**Худайбердиев Ойбек Самад ўғли**

“Ижтимоий-сиёсий фанлар институти”

“Тарих” (Магистр) 1-курс талабаси.

Тел: (90) 068 62 62

Анотатсия: бугунги глобаллашув ва саноатга инсон қарамлиги ортиб бораётган бошқа томондан одам боласи ўзини таъбиатнинг “имтиёзли вакили” сифатида кўриб уни кўр-кўрона ҳалок этаётган бир шароитда, экология ва атроф муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, табиатни муҳофаза қилиш, чучук сув ва чўлланиш каби долзарб ва асоратли муаммоларни бартараф этишга чорлов ва амалий ҳаракатларни бошлаш ва инсонларни ушбу муаммоларга бефарқ бўлмасликка чорлаш қуйида келтирилган мақоламизнинг бош вазифасидир.

Калит сўзлар: Экология, табиатни асраш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Озон қатламининг емрилиши, чучук сув муаммоси, чўлланишнинг кескин ортиши, иқлим ўзгаришлари, флора-фаунанинг кескин камайиб бориши;

Ер юзи бундан 4,6 млрд. йил муқаддам бунёд бўлди. Шу давр оралиғида унда флора ва фауна пайдо бўлиб, унда энг йирик динозаврлардан тортиб, энг митти калибригача, ундан бактерия, вирусларгача ҳосил бўлди. Лекин улардан ҳеч бири ер юзига инсон каби зиён-заҳмат етказа олмади. Териб-термошлаш давридан бошлаб, инсон аста-секин табиат ва унинг неъматларини ўз тараққиёти йўлида қурбон қила бошлади. Бу борада илм-фан, техника тараққий эта борган 19-20-21 асрда инсон тараққиёт сари табиат эса тубанлик сари силжий бошлади. Шу тариқа, инсон ўзи ўтирган дарахт шохини арралаганича ўзи учун чинаккам офатлар сотиб олди. Хусусан, бугунги кунимизга келиб, экологик стресс натижасида ривожланган мамлакатларнинг 30-50%, ривожланаётган

мамлакатларнинг 15-25% аҳолиси соматик симптомларга мубтало бўганлиги сўзимизни яна бир қарра исботлайди.

Бугун бутун инсониятни бунданда муҳим ва долзарброқ муаммолар чамбараги мушоҳадага ундамоқда. Улар жумласига кирувчи баъзиларни билан танишиб чиқсак:

1. Табиатда флора-фаунанинг кескин камайиб бораётгани;
2. Чучук сув муаммоси;
3. Озон қатламининг емирилиши;
4. Чўлланишнинг кескин ортиши;
5. Иқлим ўзгаришлари;

Бир қарашда жўн тузилган бу рўйхат аслида бутун борлиқ учун фалокатлар дарвозаси демакдир. Масалан 1982-йилда британиялик олимлар томонидан аниқланган “Озон туйниги” муаммосини бугунги мураккаб экологик шароитда “олди қочди” гап-сўзлар билан беркитишнинг имкони йўқ. аксига олиб, “Озон туйниги” ўтмишда 23 млн км. квни ташкил этган бўлса, 2000 йили 28 млн. км. кв.ни, 2010 йилда 29 млн. км. кв.ни ташил этган. Бу ўз ўрнида, айрим қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини 30 фоизгача камайитириши мумкинлиги қайд этилган.¹ Лекин бу “хамир учидан патир”. Озон қатламининг тобора емирилиб бориши нималарга олиб келиши ҳақида С.Мамашокировнинг “Ваҳимами ёки ҳақиқат” номли китобида қуйидаги далилар кўрсатиб ўтилган: “Олимларнинг фикрига кўра, 2100-йилда планетамиз озон ҳимоя қатлами емирилиб, қуёшнинг ультратрабинафша нурлари ер юзидаги тирик организмларни ҳалок қилади. Одамлар (соғ қолганлари) сунъий яратилган йирик гумбазлар

¹ Қаранг: “Ваҳимами ёки ҳақиқат” С.Мамашокиров./ - Т.: Иқтисод-молия, 2012, - 158. Б.

остида космонавтлар овқати билан ҳаёт кечирадилар”² Хўш, инсон бу аҳволга қандай тушиб қолди, ахир, инсон жонзотлар ичида энг ақиллиси эди-ку?!

Инсоннинг (бутун инсоният) ўзбошимчалиги бугун уни чуқур мушоҳадали бўлишга чорлайди. Инсон, ўз манфаати кўйида табиатни талон-тарож қилишга, озуқа занжирини узишга, ҳайвонотни бир ареалдан бошқасига ҳайдашга ҳақсиздир, Франсуз файласуфи Анри Гольбах фикри билан айтганда: “Инсон ўзини табиатнинг имтиёзли мавжудоти деб билиш учун ҳеч қандай асос йўқ”.³

Бугун инсон бебошлиги ўнглаб бўлмас хатоларнинг ибтидоси бўлиб хизмат қилмоқда Шу ўринда, немис файласуфи Гегел: “Инсон ўзига хўжайин бўлмас экан, табиатга ҳам эгалик қилолмайди.” деб ўринли таъкидлаганди. Бутунбошли инсоният миллион йиллар давомида ер қарида пайдо бўлган маъданларни сўриб олиши, ундан нотўғри, ўринсиз фойдаланиши, манфаат топиши ва чекланган ер ресурсларини совирши одатий ҳолга айланиб улгурди. Лекин, ҳар нима бўлганида ҳам бугунги тараққиётни тўхтатиб бўлмайди. Хўш, табиатга нисбатан қилинган ҳар бир эътиборсизлик, бефарқлик, ресурсларини талон тарож қилиш, экологияни булғаш кабилари эртами кеч ўзимизга қимматга тушишини англаб этган ҳолда нималарга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади? Ҳа, албатта! Мамлакатимизда “Екалогик фожеани” олдини олиш, табиатни асраш борасида кўплаб амалий ишлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Хусусан, биргина мамлакатимиз миқёсида кўриқхоналар фаолияти, чиқиндиларни қайта ишлаш, ҳашар йўли билан кислародга ниҳоятда бой бўлган кўчатларни экиш, сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўлами ортаётгани баробарида, “атроф – муҳит муҳофазаси”га бағишланган 30 та қонун ва 350 дан зиёд меъёрий – ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши бу борада мамлакатимиз ташаббускорлигидан далолат беради. Хусусан, биргина бош қомусимиз бўлган конституциямизнинг 50 моддасида “Фуқаролар атроф

² Қаранг: “Ваҳимами ёки ҳақиқат” С.Мамашокиров./ - Т.: Иқтисод-молия, 2012, - 119. Б.

³ Қаранг: “Ҳақиқат манзаралари” –Т.: янги аср авлоди, 2007, - 322. Б.

табий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”⁴ деб, таъкид этилиши, шунингдек, 55-моддада ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табий заҳираларнинг умуммиллий бойликлар деб, эътироф этилинши сўзимиз исботи.

Хитой файласуфи Лао Цизи: “Осмон остидаги ҳамма нарса омонат”⁵ дея таъкидлаганди. Шундай экан, уни асраш бизнинг ўзини ер юзида ягона онгли мавжудот санайдиган инсон зотини бош вазифаси ҳисобланади. Экологик мувозанатни қайта тиклаш, унинг бугунги аянчли ҳолини ижобий томонга ўзгартириш учун жамиятни ва ҳар биримиз аввало ўз ўзимизни табиатга нисбатан эскича “бир кўкатни юлсанг, ўрнидан бошқаси униб чиқаверади, бир хашоротни ўлдирсанг, тухумидан мингтаси пайдо бўлаверади” қабилидаги қарашларимизни ўзгартирмоғимиз, ёш авлодни табиатга нисбатан оқилона экоахлоқий руҳда тарбиялаш усул ва воситаларини ривожлантирмоғимиз шарт. Зеро бугунги экологик муҳит ўзининг зайифлиги ва парваришга муҳтожлиги билан ўтмишдагисидан тубдан фарқ қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда ёш авлоднинг табиатга нисбатан ахлоқий тарбиясида пойдевор вазифасини ўтовчи бадий адабиётдан битмас тугалмас хазина сифатида фойдаланиш лозим. Бу борада бизда етарлича мабалар мавжуд. Биргина ўзбек халқ мақоллари таркибида табиат неъматларини асраб-авайлаш, оқилона сарфлашга оид: “сув-олтиндан азиз”, “сувни ич чашмани булғама”, “кудукқа тупурма қайтиб ичаринг бор”, “соф ҳаво-танга даво”, “ерни тепма жони бор, уриб турган жони бор”, “ери бойнинг эли бой” кабилари ёш авлодни табиатга содиқ дўст қилиб тарбиялашда, экоахлоқий тарбияни шакллантиришда муҳим манба саналиши баробарида уларни табиатга нисбатан эътиборли бўлишга уни ардоқлашга ундайди.

Пол-Анри Гольбах таъкидлаганидек: “Инсон – табиат маҳсули”⁶ шу сабаб унга етказилган зиён, аслида, ўзимизга етказилган заҳмат билан тенг. Чунки,

⁴ Қаранг: Ўз. Рес. Конс.

⁵ Ҳақиқат манзаралари янги аср авлоди, 21Б.

⁶ Ҳақиқат манзаралари янги аср авлоди, 322Б.

иқлимнинг кескин континентал ўзгариши, сув тошқинлари, қурғоқчилик ахир, ўзимизга азоб бермаяптими?

Ернинг қуриб–қаҳшаши-ю, ҳосилсизлигининг асл сабабинини тупроқ таркибидан эмас, балки, ўзимиздан, ўзимиздаги очкўзлик илллати таркибидан излаш ўринли назаримда. Она замин биздан олдин ҳам бўлган, биздан кейин ҳам бўлади. Ҳазрат Сулаймон таъбири билан айтганда: “Авлодлар келиб–кетаверади, ер эса абадий қолаверади”⁷. Лекин уни қандай аҳволда қолиши бугун бизнинг кўлимизда. Шундай экан, уни авайлаб-асраш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Агар бугун биз ўз қалбимиздаги ана шу эзгу бунёдкор кучни музаффар қила билсак жамиятимиз янада юксакликка юз буриб бораверади, провардида табиат ва жамиятни ўзаро айириб турган инсонга хос очкўзлик ва худбинлик кишанлари узилиб, азалий дўстлик ҳисси қайта тузилиб муаммо ижобий ечим топмоғи муқаррар. Биз маънан юксак интеллектуал салоҳиятли соғом жамиятни бунёд этаётган эканмиз, жамиятимизни асрашимиз учун она табиатни кўз қорачиғидек асрашимиз лозим.

⁷ Ҳақиқат манзаралари янги аср авлоди, Б